

**ЗООЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ  
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc 29.08.2017.B.52.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЗООЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**МИРЗАЕВА АДОЛАТ УСМОНБОЕВНА**

**ЖАНУБИЙ ЎЗБЕКИСТОН ШАРОИТИДА ARGASIDAE КАНАЛАРИ  
ПАРАЗИТАР ТИЗИМИНИНГ ШАКЛЛАНИШ  
ХУСУСИЯТЛАРИ**

**03.00.06 – Зоология**

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2018**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавления автореферата диссертации доктора  
философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor  
of philosophy (PhD)**

<b>Мирзаева Адолат Усмонбоевна</b> Жанубий Ўзбекистон шароитида Argasidae каналари паразитар тизимининг шаклланиш хусусиятлари .....	3
<b>Мирзаева Адолат Усмонбоевна</b> Особенности формирования паразитарной системы клещей Argasidae в условиях Южного Узбекистана .....	21
<b>Mirzayeva Adolat Usmonboevna</b> Features of the formation of the parasitic system of Argasidae mites in the conditions of Southern Uzbekistan.....	39
<b>Эълон қилинган ишлар рўйхати</b> Список опубликованных работ List of published works .....	42

**ЗООЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ  
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc 29.08.2017.В.52.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЗООЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**МИРЗАЕВА АДОЛАТ УСМОНБОВНА**

**ЖАНУБИЙ ЎЗБЕКИСТОН ШАРОИТИДА ARGASIDAE КАНАЛАРИ  
ПАРАЗИТАР ТИЗИМИНИНГ ШАКЛЛАНИШ  
ХУСУСИЯТЛАРИ**

**03.00.06 – Зоология**

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2018**

**Биология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.2.PhD/B82 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация иши Зоология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси ([www.flora\\_fauna.uz](http://www.flora_fauna.uz)) ҳамда «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Акрамова Фируза Джалалиддиновна**  
биология фанлари доктори

**Расмий оппонентлар:**

**Кучбоев Абдурахим Эргашевич**  
биология фанлари доктори

**Эшова Холиса Саидовна**  
биология фанлари номзоди, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Тошкент давлат педагогика университети**

Диссертация ҳимояси Зоология институти ва Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.29.08.2017.B.52.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил « 31 » январь куни соат 14<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100053, Тошкент шаҳри, Боғишамол кўчаси, 232-уй. Зоология институти мажлислар зали. Тел.: (+99871) 289-04-65, факс (+99871) 262-79-38, e-mail: [info-zoology@academy.uz](mailto:info-zoology@academy.uz)).

Диссертация билан Зоология институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (9-рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100053, Тошкент шаҳри, Боғишамол кўчаси, 232 б-уй, Тел.: (+99871) 289-04-65.

Диссертация автореферати 2018 йил « 19 » январь куни тарқатилди.  
(2018 йил «19» январь даги 10 - рақамли реестр баённомаси)

**Д.А. Азимов**

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш раиси в.в.б., б.ф.д., профессор,  
академик

**Г.С. Мирзаева**

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш илмий котиби, б.ф.н., катта  
илмий ходим

**Э.Б. Шакарбоев**

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш қошидаги илмий семинар  
раиси, б.ф.д.

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунё аҳолисининг доимий ортиб бориши уларнинг озиқ-овқат, хусусан, чорва маҳсулотларига бўлган талабининг ҳам ортишига олиб келмоқда. Бу ўринда, чорвачилик ва паррандачилик соҳаларининг интенсив ривожланиши қишлоқ хўжалиги ҳайвонларида паразитлик қилувчи Argasidae оиласи каналарининг кескин кўпайиши ва шу билан бирга, чорва ҳамда паррандалар маҳсулдорлигининг пасайишига сабаб бўлмоқда. Шунга кўра, Argasidae оиласи каналари турлар хилма-хиллиги ва қишлоқ хўжалиги ҳайвонларида паразитар тизимнинг шаклланишини аниқлаш, аргазид каналарига қарши курашишнинг хавфсиз ва самарали усуллари ишлаб чиқиш қишлоқ хўжалиги фанларининг долзарб муаммоларидир.

Жаҳон қишлоқ хўжалиги чорвачилиги ва паррандачилиги соҳаларидаги илмий-тадқиқот ишлари нафақат турли касалликларга чидамли янги маҳсулдор зотларни яратишга, балки яна уларнинг эктопаразитлари тур таркиби ва тарқалишини аниқлаш, биоэкологик хусусиятларини тадқиқ этиш ҳамда уларга қарши кураш чораларини такомиллаштиришга қаратилган. Бу ўринда, қишлоқ хўжалиги ва овланадиган ҳайвонларга жиддий хавф етказувчи қон сўрувчи паразити – Argasidae оиласи кана турлари ҳаёт циклининг давомийлиги, кенг тарқалиши, атроф-муҳит ва турли хўжайин организмларига юқори мослашувчанлиги ва айниқса, ҳайвонлар соғлиги ҳамда маҳсулдорлиги, шунингдек, инсонлар ҳаётига салбий таъсири аргазид каналари паразитар тизимининг шаклланиш хусусиятларини аниқлашни талаб этмоқда. Шунга кўра, турли ҳудудларда Argasidae оиласи кана турларини аниқлаш, тарқалиш ўчоқларини белгилаш, сўлак бези секретларининг токсик таъсирини баҳолаш, турли хўжайин организмларидаги паразитар тизимининг шаклланишини асослаш ва каналарни бартараф этиш йўллари ишлаб чиқиш муҳим назарий ва амалий аҳамият касб этади.

Ҳозирги кунда, мамлакатимизда чорвачилик ва паррандачилик тармоқларини янада ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги ҳайвонларининг маҳсулдорлигини ошириш учун уларда учрайдиган турли касалликларнинг олдини олиш, қарши кураш усул ва воситаларини яратишга алоҳида эътибор қаратилди. Бу борада, чорва ва паррандаларда учрайдиган паразитар касалликларни аниқлаш ҳамда уларни бартараф этишдаги уйғунлашган чоратадбирларни такомиллаштириш борасида сезиларли ютуқларга эришилди. Шу билан бир қаторда, республикамизнинг чорвачилик ва паррандачилик интенсив ривожланган жанубий ҳудудларидаги Argasidae каналарининг тур таркиби, уларнинг паразитар тизимининг шаклланиши ва эктопаразитларни бартараф этиш бўйича илмий асосланган натижалар талаб этилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясидаги<sup>1</sup> «ветеринария хизматларини яхшилаш ва эпизоотик ҳолатнинг барқарорлигини

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони.

таъминлаш бўйича тизимли чора-тадбирлар» белгилаб берилган. Шу асосда, Жанубий Ўзбекистон шароитида Argasidae оиласи каналари тур таркиби, доминант турларининг экологияси ва ҳаёт цикллари, ҳамда аргазид каналари сўлак беи секретларининг биологик фаоллигини аниқлаш ва каналарга такомиллашган қарши кураш усуллари ишлаб чиқишга қаратилган илмий-тадқиқот ишлари муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикасининг «Ветеринария тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 21 апрелдаги ПҚ-842-сон «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжалиқларида чорва моллар кўпайтиришни рағбатлантиришни кучайтириш ҳамда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларини амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

#### **Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.**

Argasinae ва Ornithodorinae кенжа оилаларининг фаунистик комплекслари, тарқалиши, экологияси ва уларнинг ҳайвонлар патологияси ва патогенларни ташувчиси, юқумли ва инвазион касалликлар кўзғатувчиси сифатида тутган ўрни, аргазид каналари баъзи турларининг сўлак безларидан ажратилган биологик фаол моддалар хусусиятлари бўйича тадқиқотлар хорижлик олимлар А.Т. Ту et. al. (2005), S.M. Simons et. al. (2011) томонидан олиб борилган. Ўрта Осиёда, хусусан, Қозоғистон ва Қирғизистонда аргазид каналарининг тур таркиби ва тарқалиши бўйича тадқиқотлар И.Г. Галузо (1957), Н.В. Кусов (1973), А.В. Левит (1950), Л.Ф. Ромашева (1971) томонидан олиб борилган.

Мамлакатимизда қушлар ва сутэмизувчиларнинг эктопаразитлари – аргазид каналари бўйича тадқиқотлар У.Я. Узаков (1974), Т.Е. Куклина (1976), Я.М. Мурадбеков (1959), Х. Кузыбаева (1969), Н.В. Кусов (1973), М.К. Мухамметкулов (1970) лар томонидан олиб борилган. Бироқ юқоридаги тадқиқот ишлари, Жанубий Ўзбекистон шароитида Argasidae каналарининг замонавий тур таркиби, уларнинг паразитар тизими шаклланиш хусусиятлари бўйича тўла тақдим этилмаган ва шу билан бир қаторда каналар сўлак безларидаги биологик фаол моддалар ва уларни метаболизми бўйича маълумотлар келтирилмаган. Шунга кўра, Жанубий Ўзбекистон шароитида Argasidae каналарининг ҳозирги тур таркибини аниқлаш, ривожланиш даврларини, ландшафтлар бўйича тарқалиши ва экологик хусусиятларини, каналар сўлак безларида биологик фаол моддаларнинг физиологик ва токсикологик хусусиятларини очиб бериш ва аргазид каналарига

такомиллашган қарши кураш усулларини ишлаб чиқиш муҳим илмий-амалий аҳамиятга эгадир.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилаётган илмий-тадқиқот муассасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Зоология институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг ФА-А-10-Т036 “Қишлоқ хўжалиги ва ов ҳайвонларининг паразитар касалликларини олдини олиш чоралари ва замонавий усулларини ишлаб чиқиш” (2007-2011), ФА-Ф5-Т230 “Сув ва қуруқлик ценозларида паразитар тизим таркибий қисмининг шаклланиши ва ҳаракатланиш қонуниятлари” (2012-2016) ва ЁФ5-ФА-0-17793 “Қуруқлик экосистемаси каналар ва умуртқалиларнинг паразит – хўжайин тизимидаги ўзаро алоқалари эволюцияси” (2014-2015) мавзуларидаги фундаментал ва амалий лойиҳалар доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Жанубий Ўзбекистон шароитида Argasidae оиласи каналари тур таркиби, доминант турларининг экологияси ва ҳаёт цикллари, ҳамда аргазид каналари сўлак беzi секретларининг биологик фаоллигини аниқлаш ва каналарга такомиллашган қарши кураш усулларини ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

Argasidae оиласи каналарининг турлар хилма-хиллигини аниқлаш;  
ривожланишнинг барча даврларидаги каналарнинг морфологик белгиларини таҳлил қилиш;

ландшафтлар бўйича турларнинг тарқалиши ва экологик хусусиятларини аниқлаш;

каналар доминант турларининг ҳаёт цикли ва биологиясини ўрганиш;

“аргазидлар – умуртқалилар” паразит-хўжайин алоқа тизими шаклланишини аниқлаш;

қушлар эктопаразитлари – Argasidae оиласи каналарининг газлар алмашинувини ўрганиш;

каналар сўлак безлари биологик фаол моддаларининг физиологик ва токсикологик хусусиятларини очиб бериш;

эктопаразитлар популяциялари сонини бошқаришнинг янги воситалари ва усулларини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** Argasidae оиласи Argasinae ва Ornithodorinae кенжа оила каналар турлари ва уларнинг сўлак безларидаги биологик фаол моддалари ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг предмети** Argasidae оиласи каналарининг фаунаси, экологик ва биологик хусусиятлари, тарқалиши, сўлак безларидан ажратилган биологик фаол бирикмалар ва уларнинг физиологик ва токсикологик хусусиятлари, табиий ва урбанлашган ҳудудларда кана популяциялари сонини бошқариш ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда паразитологик, экологик, физиологик, биокимёвий, биометрик, статистик ва қиёсий таҳлил усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

*Argas* ва *Ornithodoros* авлодлари каналарининг Жанубий Ўзбекистон

экосистемаларида ландшафтлар бўйича тарқалиши очиб берилган;

“аргазидлар – умуртқалилар” паразитар тизимининг шаклланиш ва мосланиш хусусиятлари аниқланган;

Argasidae каналарининг ҳароратга боғлиқ ҳолда нафас олиш хусусиятлари аниқланган;

аргазид каналари сўлак безлари секретларидан биологик фаол моддалар ажратиб олинган ва токсик хусусиятлари аниқланган;

кана сўлак безлари секретлари биологик фаол бирикмаларининг ҳайвонлар қон-томир тизимида релаксант ва антикоагулянт таъсири исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

Жанубий Ўзбекистон иқлим шароитларига мувофиқ равишда, қишлоқ хўжалиги ҳайвонлари орасида Argasidae оиласи эктопаразитларининг тарқалиш йўллари, табиий ва урбанлашган ҳудудларда ҳайвонларнинг каналар билан зарарланиш даражалари баҳоланган ва шу асосда қишлоқ хўжалиги ҳайвонлари ва қушлар эктопаразитлари сонини бошқариш усуллари ва каналарга қарши курашнинг такомиллашган чора-тадбирлари ишлаб чиқилган.

Аргазид каналарига қарши кимёвий акарацидлар (неостомазан, циперметрин, эктосан), ўсимлик алколоидлари (дельфатин, аконитин, TN-1) ва замбуруғ энтомопатогенларининг (*Beauveria tenella*) таъсир самарадорлиги аниқланган ва паррандачилик хўжаликларида фойдаланилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** тадқиқотларни замонавий паразитологик, биокимёвий ва физиологик усуллари ёрдамида олиб борилганлиги, назарий маълумотларнинг тажриба натижалари билан мос келиши ва уларнинг етакчи ҳорижий журналларда чоп этилганлиги, маълумотларнинг Biostat дастурида статистик таҳлил қилинганлиги, амалий натижалари тегишли давлат ташкилотлари томонидан тасдиқланганлиги ва амалиётга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Argasidae оиласига кирувчи қон сўрувчи каналарнинг турлар хилма - хиллиги, экологик хусусиятлари, ландшафтларда тарқалиши, сўлак безлари секретларининг ҳайвон организмга таъсир механизмиларининг ўрганилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти республикамиз ҳудудларида аргазид каналари чақирувчи паразитар касалликларнинг олдини олиш, янги кимёвий, ўсимлик препаратлари ва биологик кураш усуллари асосида аргазид каналари популяциялари сонини бошқаришга хизмат қилиши билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Жанубий Ўзбекистон шароитида Argasidae каналари паразитар тизимининг шаклланиш хусусиятларини тадқиқ қилишдан олинган натижалар асосида:

Argasidae каналарига қарши такомиллашган TN-1 ўсимлик препарати ва Эктосан -кимёвий препарати паррандачилик хўжаликлари амалиётига жорий қилинган (Давлат ветеринария қўмитасининг 2017 йил 21 июлдаги 02/13-49-сон маълумотномаси). Натижада, TN-1 ўсимлик препарати қўлланилганда ўртача 85%, Эктосан препарати билан паррандаларни канасизлантириш ўртача 80% ва



самарадорликка эришиш имконини берган;

Қорақалпоғистон Республикаси Кегейли туманидаги паррандачилик фермер хўжалигида Неостомозан препарати аргазид каналарига қарши қўлланилган (Қорақалпоғистон Республикаси ветеринария қўмитасининг 2017 йил 31 октябрдаги 25/04-86-сон маълумотномаси). Неостомазан препарати билан паррандаларни канасизлантириш ўртача 75% камайтириш имконини берган;

*Argas* авлоди кана турларини сўлак беzi компонентларидан ажратиб олинган 5 хил оқсил фракциялари вирусология амалиётига жорий қилинган (Соғликни сақлаш вазирлигининг 2017 йил 11 декабрдаги 012-5/2569-сон маълумотномаси). Натижада каналар сўлак беzi компонентларининг специфик-антикоагулянт таъсирини аниқлаш ва фракциялар таркибида вируслар геноми йўқлигини аниқлаш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари, жумладан, 3 халқаро миқёсида ва 8 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 23 та илмий иш нашр этилган, шундан 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда, жумладан, 7 та республика ва 4 та хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, олти боб, хотима, хулосалар, амалий тавсиялар, хотима, амалий тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 86 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг “**Умуртқали хайвонлар эктопаразити – қон сўрувчи Ixodoidea каналарини ўрганишнинг биоценотик асослари**” деб номланган биринчи бобида ўрганилаётган каналарнинг экологияси, фаунаси ва уларнинг хайвонлар патологиясида эктопаразит ва трансмиссив касалликлар ташувчиси сифатида тутган ўрни бўйича адабиёт маълумотлари келтирилган.


Тақдим этилган маълумотлар таҳлили асосида ушбу йуналишнинг замонавий муаммолари ифодаланган ва уларга ечим топиш йўллари Argasidae оиласи каналари мисолида муҳокама қилинган.

Диссертациянинг иккинчи бобида “**Argasidae оиласи каналари бўйича тадқиқот материаллари ва усуллари**” деб номланган қушлар ва

сутэмизувчилардан териб олинган аргазид каналари тавсифланган. Тажриба жараёнлари аргазид каналари доминант турларининг сўлак безлари секретларини антикоагулянтлик хусусиятларини аниқлаш мақсадида батафсил таърифланган. Олинган маълумотлар статистик таҳлилининг замонавий усулларини қўллаган ҳолда ишлаб чиқилган.

Диссертациянинг “**Argasidae оиласи каналарининг фаунаси ва экологик хусусиятлари**” деб номланган учинчи бобида, Ўзбекистон биогеоценозларида аргазид каналарининг тур таркиби, тарқалиши ва экологик хусусиятларини ўрганишнинг натижалари тақдим этилган.

Аргазид каналарининг замонавий турлар хилма - хиллиги 2 кенжа оила ва 2 авлодга мансуб 7 турдан ташкил топганлиги аниқланган (1-расм).



**1-расм. Жанубий Ўзбекистонда Argasidae оиласи каналарининг таксономияси ва тур таркиби**


Аргазид каналарининг аниқланган турлари облигат гематофаглар бўлиб, деярли ҳамма жойда кенг тарқалган. Юқорида кўрсатилгандек, *Argas* авлоди 3 турни ўз ичига олади – *A. persicus*, *A. reflexus* ва *A. vespertilionis*. Қайд этилган турлар кушлар ва сут эмизувчиларда бирдек паразитлик қилиши мумкин. *A. persicus* тури текислик ва тоғолди ҳудудларида жуда кенг тарқалган бўлиб, хонаки паррандаларнинг зарарланиш даражаси 10.1 - 84.6% гача ўзгариб туради.

Инвазия интенсивлиги 7-147 экз ни ташкил қилади. Ушбу турлар орасида *A. persicus* кушлар эктопаразити сифатида доминантлик қилади. *Ornithodoros* авлоди биз йиғган намуналарда 4 турни ўз ичига олади – *O. papillipes*, *O. tartakovskyi*, *O. cholodkovskyi* ва *Ornithodoros lahorensis*. Улар ҳайвонларда ҳам паррандачилик ва чорвачилик иморатларида ҳам бирдек тарқалиши аниқланган. Юқорида кўрсатилган турлар популяциялари Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари буйлаб бирдек тарқалган. Кўпсонли турлар қаторига *O. papillipes* ва *O. tartakovskyi* киради.

*O. lahorensis* каналари республикамизнинг барча ўрганилган ҳудудларида, асосан қўйларда учрайди ва жиддий касаллик – кана фалажи касаллигини чақиради. Каналарнинг асосий қисми қўйлар қишлаши учун мўлжалланган иморатларда ва камроқ қисми эса қорамол ва отлар сақланадиган иншоотларида учраши аниқланган.

Барча аргазид каналари – вақтинчалик облигат гематофаглардир. Умуртқали ҳайвонларнинг қони билан озиқланиш – зарур шароит бўлиб, усиз

каналарнинг нормал ривожланиши ва кўпайиши мумкин эмас (Гинецинская, Добровольский, 1978). Ушбу каналар ҳаёт циклининг бир қисми умуртқали хўжайин танасида, бир қисми эса ташқи муҳитда кечади. Ҳаёт циклининг эркин ва паразитлик даврлари нисбати умуртқалилар, яъни боқувчилар билан алоқаларининг хусусиятларига боғлиқ. Эркин ва паразитлик босқичларидаги популяцияларнинг турли яшаш шароитлари аргазид каналари биологиясида улар орасида чуқур морфо-функционал фарқлар пайдо бўлишига олиб келган. Argasidae оиласи каналарининг паразитлик даврида озикланиш хусусиятлари бўйича энг асосий фарқи бу ҳаёт циклининг бир даврини ўзида такрорий қон сўришидир. Улар ин –уя эктопаразити бўлиб, яшаши учун нисбатан барқарор ҳарорат ва намлик бўлиши лозим. Буларнинг ҳаммаси фаол ҳаёт даврининг узайишига ва боқувчи ҳайвонларнинг зарарланишига имкон яратади (2-расм).



**2-расм. *Argas persicus* канасининг ривожланиш схемаси:**

1 – тухумлари, 2– личинка, 3-5 – нимфалари, 6 – имагоси

Бунда кўршапалак паразитлари ҳисобланган *A. vespertilionis* ёввойи қушлар ва хонаки паррандаларда паразитлик қилиши таъкидлаб ўтилган (Baker, Craven, 2003).

Умуман олганда, ўрганилаётган каналарнинг кўпайиши уларнинг қон сўриши билан узвий боғлиқ худди бошқа гематофагларга хос бўлгани каби, Argasidae каналари ҳам гонотрофик циклга эга. Бу эса тухум етилиши жараёнининг қон сўриш ва ҳазм қилиш жараёнларига боғлиқлигига олиб келади. Каналар урғочисининг маълум миқдорда қон сўриши уларнинг шаклланиши, ривожланиши ва кўп сонли тухум қўйишини таъминлайди. Фақат такрорий қон сўриш (озикланиш) дан сўнггина, кейинги тухум қўйиш

жараёнига ўтиши мумкин.

Каналарнинг бир қон сўриш давридан кейинги қон сўриш давригача кетадиган ва шу вақт оралиғида каналарнинг кўпайиш жараёни амалга ошадиган давр гонотрофик цикл номини олган. Argasidae урғочилари умри давомида 4-6 гача гонотрофик цикл даврини босиб ўтади ва бу каналар сонининг кўпайишига имкон яратади.

Ўзбекистоннинг ўрганилган ҳудудларида аргазид каналари жуда кенг тарқалган. Улар текислик, тоғолди ва тоғ минтақаларида яшовчи қушлар ва сутэмизувчиларнинг эктопаразити сифатида қайд этилган (1-3-жадваллар).

Авлодларнинг ўрганилаётган вакиллари, асосан текисликларда, яъни хонаки ҳайвонлар – каналарнинг боқувчилари тўпланган жойларда кўп учрайди.

### 1-жадвал

#### Жанубий Ўзбекистонда Argasidae оиласига мансуб каналарнинг тарқалиши ландшафт элементлари бўйича

Кана турлари	Текислик			Тоғ олди	Тоғ
	Суғориладиган ерлар	Дала майдонлар	Қумликлар (Чўл)		
<i>A. persicus</i>	+++	++	+	++	+
<i>A. reflexus</i>	+	+	+	+	+
<i>A. vespertilionis</i>	-	+	-	+	+
<i>O. papillipes</i>	+	+	+	+	+
<i>O. tartakovskyi</i>	+	+	+	+	-
<i>O. cholodkovskyi</i>	-	-	-	-	+
<i>O. lahorensis</i>	+	+	+	-	-

Изоҳ: +++ 100-500 ёппасига; ++ 50-100 кўпсонли; +10-50 камсонли; - 0 мавжуд эмас

Ўзбекистоннинг табиий ва урбанлашган ҳудудларида кўплаб Argasidae оиласи каналари турларининг тарқалишида ҳайвонлар – боқувчиларнинг аҳамиятини ҳам таъкидлаб ўтиш жоиз. Эктопаразитлар билан зарарланган хонаки ва ёввойи ҳайвонлар бир ҳудуддан иккинчи ҳудудга кўча туриб ўрганилаётган каналарнинг тарқалишида жуда самарали иштирок этади.

### 2-жадвал

#### Товуқ ва қўйларнинг аргазид каналари билан йил фаслларига боғлиқ ҳолда каналар билан зарарланиш динамикаси

Кана турлари	Товуқ (n=230)				Қўй (n=170)			
	Баҳор	Ёз	Куз	Қиш	Баҳор	Ёз	Куз	Қиш
<i>A. persicus</i>	10 (4.3)	67 (29.1)	24 (10.4)	13 (5.7)	-	-	-	-
<i>O. tartakovskyi</i>	-	-	-	-	8 (4.7)	35 (20.6)	17 (10.0)	9 (5.3)
<i>O. lahorensis</i>	-	-	-	-	6 (3.5)	45 (26.5)	14 (8.2)	7 (4.1)

**Argasidae оиласи каналарининг хонаки паррандалар ва каптарлар танасида учраши**

Парранда тури ва сони	Кана намуна-лари сони	Argasidae оиласига мансуб кана турлари			Ҳисоби-даги микдори, %
		<i>A. persicus</i>	<i>A. reflexus</i>	<i>A. vespertilionis</i>	
Товуқ (n=800)	13182	11911	913	358	84,6
Курка (n=550)	1561	1147	380	34	10,1
Каптар (n=630)	825	580	217	28	5,3
<b>Жами:</b>	15568	13638 (87,6%)	1510 (9,7%)	420 (2,7%)	100

Шу туфайли каналарнинг кўплаб турлари текислик, тоғолди ва тоғ минтақаларида яшовчи ҳайвонларнинг эктопаразити сифатида қайд этилган.

Ҳайвонларнинг максимум зарарланиши, асосан, ёзда кузатилади. Қўйларнинг зарарланиш даражасининг юқорилиги *O. lahorensis* 26,5% гача етади. Хонаки товуқлар *Argas persicus* – 29.1% зарарланган. Ҳайвонлар каналашининг пасайиши барча ҳудудларда, кузда ва асосан қишда, кузатилади.

Аргазид доминант турларининг фаоллиги йил фасллари ва ландшафт билан боғлиқ. Каналар ўз фаоллигини текисликларда февраль ойининг учинчи декадаси ва март ойининг бошларида, тоғолди минтақаларда эса март – апрель, тоғ минтақаларида – апрель ойининг охири ва май ойининг бошларида намоён қилиши кузатилади.

Паразитлик мавсуми турли ҳудудларда каналарнинг ҳайвонларни эгаллаш муддатлари билан фарқланади. Ҳайвонларнинг ўрганилаётган каналарни алоҳида турлари билан каналашини йил фасллари билан коррелятив боғлиқдир.

Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларидаги 2930 нусха каптар ва хонаки паррандалардан йиғиб олинган 15568 каналарнинг 13638 таси – *A. persicus* вакиллари, 1510 таси – *A. reflexus* ва 420 таси – *A. vespertilionis* вакиллари эканлиги аниқланди. Шубҳасиз, ушбу авлод каналарининг умумий сонидан *A. persicus* (87.6 %), *A. reflexus* (9.69 %), *A. vespertilionis* (2.69%) турлари доминантлик қилмоқда. Табиий шароитларда каптар ва кўршапалакларнинг ўзига хос паразити ҳисобланган охириги икки турнинг хонаки товуқ ва куркаларда кенг тарқалганлиги қизиқарли ҳолат. Келтирилган маълумотлардан хулоса қилиш мумкинки, *A. reflexus* ва *A. vespertilionis* тур каналари мувофиқ шароитларда ҳайвонларнинг бошқа турларида ҳам паразитлик қилиши кўрсатилди.

Паразитларнинг хўжайин танлашда ўзига хослиги ҳайвонларнинг маълум бир таксономик гуруҳга мансублиги билан (филогенетик ўзига хослик) ва

экологик омиллар, яъни ўхшаш экологик мавқе эгаллаган хўжайинлар турларида яшаши билан (экологик ўзига хослик) ҳам боғлиқ бўлиши мумкин (Балашов, 1982). Шу туфайли Жанубий Ўзбекистоннинг урбанлашган ҳудудларида *Argas* туркуми уч турининг сони нисбатини аниқлаш бўйича тадқиқот ўтказилди.

Диссертациянинг “Қушлар эктопаразитлари - *Argasidae* оиласи каналарида газ алмашинуви” деб номлаган тўртинчи боби уч тур – *Argas persicus*, *A. reflexus* ва *A. vespertilionis* каналарининг нафас олишига бағишланган.

Каналарнинг нафас олиши туллаш жараёнида кутикуляр қоплами алмашадиган трахея тизими орқали амалга ошади. *Argasidae* оиласининг бир қатор турларида (*Argas persicus*, *A. vulgaris*, *A. reflexus*, *Ornithodoros coniceps*, *O. capensis*, *O. lahorensis*) трахея тизими анча яхши ривожланган (Остроумова, 1939; Theodor and Costa, 1960; Балашов, 1967). Умумий трахея танасидан организмнинг ҳамма аъзолари бўйлаб иккиламчи шохланиш берувчи 8 та асосий тана чиқади. Ҳар бир трахея танаси бир неча бор шохланиб, кананинг ички органларини куюк тўр билан ўраб олувчи ингичка трахеол тугунлари билан тугайди.

Нафас олиш ҳаракатларининг мароми ва трахея вентиляциясининг жадаллиги кананинг тури, ҳолати ва ташқи муҳит шароитлари билан чамбарчас боғлиқдир. Газ алмашинуви жадаллиги турли турларда бир биридан яққол фарқ қилади.

*A. reflexus* ва *A. persicus* каналари учун бирмунча юқори газ алмашинуви даражаси хос бўлиб, *A. vespertilionis* эса, аксинча, паст газ алмашинуви даражасига эга. Ўрнатилган фарқлар каналарнинг биологик хусусиятлари билан аниқланиб, газ алмашинуви ташқи муҳит экстримал шароитларида каналарнинг тирик қолишига имкон яратувчи метоболизм асосларидан бири ҳисобланади.

Маълумки, абиотик омиллар каналарнинг ҳаёт фаолиятига жиддий таъсир кўрсатади, улардан бири ташқи муҳит ҳарорати бўлиб, у йил фасллари ва кеча-кундуз давомида кучли ўзгариб туради. Ушбу ҳолатни инобатга олган ҳолда, *Argasidae* оиласи каналарини газ алмашинувини аниқлаш мақсадида уларни ташқи муҳитнинг турли ҳароратларида (10<sup>0</sup>С, 20<sup>0</sup>С, 30<sup>0</sup>С) сақлаган ҳолда бир қатор тажрибалар олиб борилди (4-жадвал).

Каналарнинг ҳаёт фаолияти ташқи муҳитнинг турли ҳароратларида кечса ҳам, улар учун ўртача ҳарорат 20<sup>0</sup>С ташкил қилиши аниқланди. Шу туфайли лаборатория шароитида худди шу ҳароратда олинган натижалар назорат (намуна) сифатида қабул қилинди. 4-жадвалда келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, ҳароратнинг пасайиши уларнинг газ алмашинуви жараёни жадаллигини секинлаштиради ва бу O<sub>2</sub> сарфланиши ва CO<sub>2</sub> ажратилишини камайиши билан кузатилади.

Ўрганилган каналарнинг барча турларида газ алмашинуви кўрсаткичлари даражаси юқоридаги қонуният бўйича ўзгариши кузатилган. Бироқ улар ўртасида маълум бир фарқлар ҳам мавжуд.

**Ташқи муҳитнинг турли ҳароратида Argasidae оиласи каналарининг газ алмашинуви даражаси (n=12)**

t <sup>0</sup> C	<i>Argas persicus</i>		<i>Argas reflexus</i>		<i>Argas. vespertilionis</i>	
	O <sub>2</sub> сарф. мм <sup>3</sup> /соат•г	CO <sub>2</sub> ажрал. мм <sup>3</sup> /соат•г	O <sub>2</sub> сарф. мм <sup>3</sup> /соат•г	CO <sub>2</sub> ажрал. мм <sup>3</sup> /соат•г	O <sub>2</sub> сарф. мм <sup>3</sup> /соат•г	CO <sub>2</sub> ажрал. мм <sup>3</sup> /соат•г
30	298.20±5.4 2.52*	217.40±2.11 <sub>0.73</sub> 2.49*	470.40±8.4 1.52*	324.40±9.2 <sub>0.68</sub> 1.46 *	167.20±4.4 1.89*	119.20±6.2 <sub>0.71</sub> 1.75*
20	118.30±1.7	87.20±1.2 <sub>0.73</sub>	268.90± 3.1	221.60 <sub>0.82</sub>	88.10±1.9	67.80±1.3 <sub>0.76</sub>
10	15.50±0.5 7.6*	12.31±0.8 <sub>0.79</sub> 7.2*	28.51±0.3	25.15±0.6 <sub>0.88</sub> 8.8*	8.80±0.4 10.4*	7.60±1.4 <sub>0.86</sub> 8.9*

*Изоҳ:* сарф. – сарфланиши; ажрал. – ажралиши; 20<sup>0</sup>C – назорат варианты; остки индексларда нафас олиш коэффциенти қиймати кўрсатилган; \* – 10<sup>0</sup>C ва 30<sup>0</sup>C даги нафас олиш жадалликларининг назоратга нисбатан фарқлари.

Яна шуни ҳам кўриш мумкинки, дастлаб юқори моддалар алмашинуви даражасига эга бўлган каналар ташқи ҳарорат ўзгарган ҳолатларда ҳам газ алмашинувининг нисбатан юқори даражасини сақлаб қолмоқда.


Айниқса, *A. reflexus* ва *A. vespertilionis* турлари ҳарорат ўзгаришига нисбатан жуда таъсирчан эканлиги аниқланди. Уларда ташқи муҳит ҳарорати 20<sup>0</sup>C дан 10<sup>0</sup>C гача ўзгартирилганда газ алмашинуви жараёни деярли 10 баробарга пасайди, *A. reflexus* да эса бундай ўзгариш 7 баробар кўрсаткични намоён қилди. Бироқ ҳаво ҳарорати 20<sup>0</sup>C дан 30<sup>0</sup>C гача кўтарилганда эса газ алмашинуви жараёни барча ўрганилган кана турларида 2 баробаргача кўтарилиши кузатилди.

Олган натижалар каналарда газ алмашинуви жараёни ўзгарувчан эканлиги ва қишлаш даврида ҳаво ҳароратининг пасайишида муҳим биологик аҳамиятга эга эканлигидан далолат беради. Моддалар алмашинуви жараёнларининг кескин пасайиб кетиши каналарнинг экстримал шароитларда тирик қолишини таъминлаб берувчи муҳим омил ҳисобланади (Мирзаева ва б., 2011).

Диссертациянинг “**Ҳайвонлар эктопаразитлари – Argasidae оиласи каналари сўлагининг таъсир хусусиятлари ва таркиби**” деб номланган бешинчи бобида *Argas persicus* ва *Ornithodoros tartakovskyi* турларининг сўлак бирикмалари таркиби ва уларнинг тавсифи ҳақида маълумотлар келитирилган.

Изланишлар қуйидаги натижаларни ўз ичига олади: *A. persicus* каналари сўлак безлари секретларининг антикоагулянтлик таъсирини ўрганиш бўйича ўтказилган тадқиқотларда каламуш қон плазмаси қуюлиши жараёнининг секинлашиши кузатилди (3-расм).

Қон қуюлиши параметрлари ўрганилаётган секретларнинг концентрацияси билан боғлиқ ҳолда жойлашган (25-150 мкг/мл). Қон плазмаси коагуляция даражаси 150 мкг/мл га тенг концентрацияда 78.4±5.6% гача пасайди.



**3-расм. Каламуш қон тромбоцитлари агрегациясига *A. persicus* каналари сўлак безлари секретларининг турли концентрациялари таъсири**


Қон плазмаси антикоагулянт механизмларини аниқлаш учун X, XI, IX ва VIII омиллари танқислигида ТҚФВ дан (тромбиннинг қисман фаол вақти) фойдаланилди. Бунда қон тромбоцитларининг агрегация жараёни сезиларли даражада узайди. 3-расмда каламушнинг қон тромбоцитлари агрегация жараёни келтирилган.

Каналар секретлари антикоагулянт жараёнининг биологик фаол моддалар билан пасайиши тромбоцитлар фаоллигининг сустлашишига ва X омилнинг ингибирига олиб келди. Сўлак безларидан ажратилган ТАР (tick anticoagulant peptide) оксил молекулалари FXa омилнинг қон плазмаси ивиши жараёнига таъсири фаоллигини пасайтириши аниқланди. Бунинг натижасида FXa омилнинг ТАР протеинининг фаол боғлари ҳосил бўлиши аниқланди ва қон айланиш тизимида тромбозга қарши таъсири жараёнида ижобий натижаларга эришилди.

Бизнинг тадқиқот натижаларимиз ва адабиётларда келтирилган маълумотлар *A. persicus* секретлари (25-150 мкг/мл) тестга (ТҚФВ) мувофиқ гемостаз боғлари фаоллигига жиддий даражада ва қон плазмасининг антикоагулянтик хусусиятлари вақтига сезиларли даражада таъсир қилишини кўрсатди. Қон айланиш тизимида *A. persicus* секретлари X, XI, IX, VII омилларига паст таъсир кўрсатди.

4-расмда *A. persicus* сўлак безлари компонентларининг каламуш аортасидан тайёрланган мускул препаратининг қисқариш фаоллигига релаксант таъсири кўрсатилган.






**4-расм. *Argas persicus* каналари сўлак безлари секретларининг каламуш аортаси препаратининг қисқариш фаоллигига релаксат таъсири**

Изоҳ: *A. persicus* секретларининг инкубацион муҳитга қўшилган (10-100 мг/мл) концентрациясида KCl (50 мМ) таъсирида ҳосил бўлган қисқариш энг юқори нуқтага етди. Препаратнинг қисқариш фаоллиги мН да белгиланган.

Ўз навбатида, сўлак беи биологик фаол моддасининг 150 мкг/мл концентрациясида KCl таъсири мускул препарати қисқариш кучининг контрольга (назоратга) нисбатан пасайишига олиб келди.  $EC_{50}$  – 34.7 мкг/мл концентрациянинг  $pD_2$  ( $-\log EC_{50}$ ) да 4.63 тенг ярим максимал таъсири кўрсаткичи акс эттирилган (5-расм).



**5-расм. *Argas persicus* секретлари таъсири остида каламуш аортаси препаратининг нисбий қисқариш фаоллигига ( $EC_{50}$ ) концентрация кўрсаткичининг ярим максимал релаксат таъсири**

Изоҳ: ордината ўқи – мускул қисқаришининг максимал кучи % ҳисобида, абсцисса ўқи – *A. persicus* канаси секретларининг логарифмик концентрацияси (мкг/мл).

$[Ca^{2+}]$  ионлари қон томирлари силлиқ мускул хужайраларининг қисқариш фаоллиги регуляциясида муҳим роль ўйнайди ва бу жараён  $[Ca^{2+}]$  ионлари билан бевосита боғлиқдир.

Кана организмга қон қуюлишини таъминлаш учун уларнинг сўлак безлари таркибига бир қатор вазодияторлар – қон томирлари деворларини кенгайтирувчи моддалар киради. Каналарининг сўлак безлари таркибида вазодияторлик хусусиятига эга простагландинлар ҳам мавжудлиги аниқланди. Бундан ташқари, улар қон томири силлиқ мускулларига бўшаштирувчи таъсир кўрсатиб, тромбоцитлар агрегациясини сусайтиради.

Қон томирлари деворлари шикастланганда тромбоцитлар фаоллашиши жараёнида қон томирлари силлиқ мускулларининг қисқариш фаолияти билан боғлиқ  $Ca^{2+}$  ионларининг кўпайиши кузатилади.

Шундай қилиб, *A. persicus* каналари сўлак безлари секретларининг бирикмалари каламуш аортаси препаратининг қисқариши фаолиятига ва қон томирлари силлиқ мускулларига бўшаштирувчи таъсир кўрсатади.

Шунингдек, *in vitro* тажрибаларида стандарт аналог (гепарин) билан *A. persicus* моддаларининг калибр фаоллигини аниқлаш бўйича қон қуюлиши вақти, тромбоцитнинг қисман фаоллик вақти (ТҚФВ) ва тромбин вақтини ҳисобга олган ҳолда тадқиқотлар олиб бордик.

Олинган натижалар *A. persicus* сўлак безлари экстрактлари оксил фракцияларида глутамин кислотаси, глутамин ва тирозин каби аминокислоталар муҳим аҳамиятга эгалигидан далолат беради. Ушбу хулоса антикоагулянтларнинг тузилиши ва таркибини тадқиқ қилишда давом этиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқотлар калибр жадвалини антикоагулянтнинг паст 0.02-0.10 ХБ ва юқори 0.1-0.6 ХБ даражаларига қўллаган ҳолда ўтказилди. Антикоагулянт концентрацияси фермент нофаоллигини текис жойлаштирган ҳолда танланди. Таҳлил қилинаётган модда ва аналог тромбоцитлари кам бўлган плазма цитратига қўшилди. Бунинг учун қон 2000 ай/дақ да 20 дақиқа центрифугация қилинди. Тадқиқот учун қон каламуш қулоғи венасидан томчилаб олинди.

Биз тажрибаларимизда антикоагулянтнинг юқори ва паст 0.1-0.6 ХБ ва 0.02-0.06 ХБ даражалари билан иш олиб бордик. Яхлит қон қуюлиши вақтини ҳовончада секундомер бўйича аниқланди.

Гепарин ва *Argas persicus* каналари сўлак безлари намуналарининг 0.06 ХБ/мл концентрацияда, 0.9 % физ.эритма қўшилган контролга (намунага) нисбатан икки баробар кўпроқ самара кўрсатиши кузатилди.

VIII, IX, XI, XII омиллар фаоллигига ва қон қуюлишининг ички механизмида иштирок этувчи прекалликреинга боғлиқ бўлган қисман фаоллашган тромбопластин вақти гепарин ва *Argas persicus* каналари сўлак безлари намуналарининг таъсири остида ошиши аниқланди.

Диссертациянинг **“Argasidae оиласи каналарига қарши кураш чора тадбирлари усулларини ишлаб чиқиш”** деб номланган олтинчи боби қушлар ва сутэмизувчиларнинг эктопаразитлари билан курашиш воситалари ва замонавий усулларини илмий асослаш мақсадида ўсимлик ва замбуруғларнинг янги акарицидларини эктопаразитларга қарши синовдан ўтказишга бағишланган.

Неостамазан “Seva Filaxia Veterinary Biological” (Венгрия) ва циперметинни (383 East Meiping, Китай) *Argas persicus* популяцияларига қарши

синашда ижобий натижаларга эришилди. Демак, неостамазан эмульсиясининг *A. persicus* барча даврларига қарши тавсия этилган дозаси 73.2% ни, циперметрин дозаси эса – 62.5% ни ташкил этади.

Алкалоидлардан дельфатин, аканитинин ва TN-1 препаратларидан *A. persicus* имаго популяцияларига қарши фойдаланиш 48.3%, 85.6% ва 85% самара кўрсатди. ВД штамм – 85 замбуруғлар *Beauveria tenella* ( $1 \times 10^7$  спора/мл) препаратлари *A. persicus* каналарига қарши энг катта самара кўрсатди. Самара 86.7% ни ташкил қилади.

Синовдан ўтказилган препаратлар, асосан, ўсимлик ва замбуруғ акарицидлари антипаразитар препаратларнинг янги синфларини яратиш учун ва ҳайвонлар эктопаразитлари қон сўрувчи каналар билан курашишда фойдаланиш учун кенг йўл очиб беради.

## ХУЛОСАЛАР

«Жанубий Ўзбекистон шароитида Argasidae каналари паразитар тизимининг шаклланиш хусусиятлари» мавзусидаги фалсафа доктори диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Жанубий Ўзбекистон шароитида Argasidae оиласи каналарининг 2 кенжа оила ва 2 авлодга мансуб 7 тури – *Argas persicus*, *A. reflexus*, *A. vespertilionis*, *Ornithodoros papillipes*, *O. tartakovskyi*, *O. cholodkovskyi* ва *O. lahorensis* лар учрайди.

2. Топилган аргазид каналар турлари вақтинчалик облигат гематофаглар ҳисоблади ва улар орасида *Argas persicus* ва *O. lahorensis* доминантлик қилади. Улар текислик ва тоғолди ландшафтларида кенг тарқалган бўлиб, тоғларда эса кам учрайди.

3. Каналар доминант турларининг фаоллиги йил фасллари ва ландшафт хусусиятлари билан боғлиқ. Улар ўз фаоллигини текисликларда февраль ойининг учинчи декадаси ва март ойининг бошларида, тоғолди минтақаларда март - апрель ойларида, тоғларда эса апрель ойининг охири ва май ойининг бошларида намоён қилади.

4. Ҳайвонларнинг каналар билан максимал зарарланиши ёзда кузатилади. аргазид каналари билан ўртача зарарланиши 33.3% ни ташкил қилади. Баъзи ҳудудларда ушбу кўрсаткич 26.5% ни кўрсатди. хонаки товуқларни зарарланиши – 84.6%, куркаларни – 10.1% ва каптарларни – 5.3% га етади.

5. Лаборатория шароитида (+20<sup>0</sup>С) *Argas persicus* личинкалари ўз ҳаётчанлигини 17-65 кун мобайнида, имагоси эса 2 ойдан 1.5 йилгача сақлаб қолади. Ушбу каналар бир вақтнинг ўзида 36 тадан 114 тагача тухум қўяди.

7. “Argasidae – умуртқалилар” паразитар тизимининг шаклланиши биотик ва абиотик омиллар билан боғлиқ. Ўзбекистон шароитида паразитар тизимининг шаклланиши кўп компонентлик асосида амалга ошади ва бунда ҳам хонаки, ҳам ёввойи умуртқали ҳайвонлар иштирок этиши билан изоҳланади.

8. *Argas persicus* ва *A. reflexus* каналарида газ алмашинуви юқори, *A.*

*vespertilionis* эса паст даражада бўлиб, бу каналар моддалар алмашинуви ва ҳаракатланишини бевосита ҳаво ҳарорати билан узвий боғлиқлиги билан изоҳланади.

9. *Argas* ва *Ornithodoros* каналарининг сўлак безлари секретлари фосфолипаза, нейротоксик ва геморрагик фаолликни намоён қилади. *Argas* авлодининг уч турида ва *Ornithodoros* туркумининг бир турида фосфолипаза ва протеаза ферментларининг таркиби аниқланди. Аргас каналарининг алоҳида турларида фосфолипаза фаоллиги 0.32 дан 48 мкмоль/мин.мг гача, протеаза – 0.15 дан 0.20 мкмоль / мин. мг гача кузатилади.

10. *A. persicus* ва *O.tartakovskyi* сўлак безлари секретларининг турли концентрациялари қоннинг антикоагулянт хусусиятларининг давомийлик даражаси узайтирилиши ҳисобига гемостаз тизим фаоллигига таъсир этади. *A. persicus* сўлак безлари компонентлари (50-150 мг/мл) каламуш аорта препаратининг қисқариш фаоллигига релаксанти таъсир кўрсатади.

11. Неостамазан, циперметрин ва эктосан кимёвий препаратларининг биологик самараси 73.2%, 80% ва 62.5%; дельфатин, аконитинин, ўсимлик препаратларининг биологик самараси 48.3%, 85.6%; TN-1 – 85% ва *Beaveria tenella* замбуруғ штамми асосидаги препаратнинг биологик самарадорлиги 86.7% ни ташкил этади ва улар ҳайвонлар эктопаразитлари популяцияларининг сонини камайтириш учун тавсия этилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ  
DSc 29.08.2017.В.52.01 ПРИ ИНСТИТУТЕ ЗООЛОГИИ И  
НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАНА**

---

**ИНСТИТУТ ЗООЛОГИИ**

**МИРЗАЕВА АДОЛАТ УСМОНБОВНА**

**ОСОБЕННОСТИ ФОРМИРОВАНИЯ ПАРАЗИТАРНОЙ СИСТЕМЫ  
КЛЕЩЕЙ ARGASIDAE В УСЛОВИЯХ ЮЖНОГО УЗБЕКИСТАНА**

**03.00.06 – Зоология**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО БИОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент – 2018**

**Тема докторской диссертации философии по биологии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за В2017.2.PhD/B82**

Диссертация выполнена в Институте Зоологии.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещен на веб-странице Научного Совета ([www.flora\\_fauna.uz](http://www.flora_fauna.uz)) и информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу [www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz).

<b>Научный руководитель:</b>	<b>Акрамова Фируза Джалалидиновна</b> доктор биологических наук
<b>Официальные оппоненты:</b>	<b>Кучбоев Абдурахим Эргашевич</b> доктор биологических наук <b>Эшова Холиса Саидовна</b> кандидат биологических наук, доцент
<b>Ведущая организация:</b>	<b>Ташкентский государственный педагогический университет</b>

Защита диссертации состоится «31» январь 2018 г. в 14<sup>00</sup> часов на заседании Научного совета DSc.29.08.2017.B.52.01 при Институте зоологии и Национальном университете Узбекистана. (Адрес: 100053, г.Ташкент, ул. Боғишамол, дом 232 б. Тел.: (+99871) 289-04-65, факс (+99871) 262-79-38, e-mail: [info-zoology@academy.uz](mailto:info-zoology@academy.uz)).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Института Зоологии (зарегистрировано за №9). Адрес: 100053, город Ташкент, ул.Боғишамол, дом 232 б. Тел.: (+99871) 289-04-65.

Автореферат диссертации разослан «19» январь 2018 г.  
(реестр протокола рассылки № 10 от 19 января 2018г.)

**Д.А. Азимов**  
в.и.о. председателя Научного совета по  
присуждению учёных степеней, д.б.н.,  
профессор, академик

**Г.С. Мирзаева**  
Ученый секретарь по присуждению ученых  
степеней, к.б.н., старший научный  
сотрудник

**Э.Б. Шакарбоев**  
Председатель научного семинара при  
Научном совете по присуждению учёных  
степеней, д.б.н.

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** Неуклонный рост населения планеты неизбежно приводит к повышению потребностей людей в продуктах питания, в том числе продуктах животноводства. Между тем, интенсивное развитие животноводства и птицеводства способствует широкому распространению клещей *Argasidae*, паразитирующих на организме сельскохозяйственных животных, что в свою очередь, является одной из серьезных причин снижения продуктивности скота и птиц. Исходя из этого, выявление видового разнообразия клещей семейства *Argasidae* и механизмов формирования паразитарной системы у сельскохозяйственных животных, разработка безопасных и эффективных способов борьбы с аргазидными клещами являются актуальными проблемами сельскохозяйственной науки.

Научно-исследовательские работы, проводимые в области сельского хозяйства - секторов животноводства и птицеводства на мировом уровне, направлены не только на создание новых продуктивных пород, устойчивых к различным болезням, но и на выявление видового состава и распространения эктопаразитов, а также на совершенствование мер борьбы с ними. В связи с тем, что серьезную опасность для сельскохозяйственных и охотничье-промысловых животных причиняют кровососущие паразиты клещи семейства *Argasidae*, определение продолжительности жизненного цикла клещей, выявление масштабов их распространения, их высокой адаптивности к условиям внешней среды и организма хозяина, и особенно, негативного влияния не только на здоровье и продуктивность сельскохозяйственных животных, но и на здоровье людей требуют более глубокого изучения особенностей формирования паразитарной системы клещей аргазид. Следовательно, определение видового состава и очагов распространения клещей семейства *Argasidae* на различных территориях, оценка токсического воздействия секретов слюнных желез, обоснование особенностей формирования паразитарной системы на организме различных хозяев, а также разработка способов уничтожения клещей имеют важное научно-практическое значение.

На сегодняшний день в нашей стране уделяется особое внимание созданию методов, средств борьбы и профилактики различных заболеваний сельскохозяйственных животных для дальнейшего развития отраслей животноводства и птицеводства. При этом, достигнуты ощутимые успехи в области определения паразитарных заболеваний, встречающихся у скота и птиц, а также усовершенствования комплексных мер по их устранению. Вместе с тем, требуются научно обоснованные результаты по выявлению видового состава клещей семейства *Argasidae*, формированию их паразитарной системы и устранению эктопаразитов в южных регионах нашей республики, где животноводство и птицеводство развиваются интенсивными темпами. В

“Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан<sup>2</sup> особо отмечены «системные мероприятия по обеспечению стабильности эпизоотического состояния и улучшению ветеринарной службы». На основании этого, научно-исследовательские работы, направленные на определение видового состава клещей семейства Argasidae, изучение экологии и жизненных циклов доминантных видов, также биологической активности секретов слюнных желез аргазидных клещей и разработка действенных и усовершенствованных мер борьбы против клещей имеют важное значение.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных Законом Республики Узбекистан «О ветеринарии», Указом Президента Республики Узбекистан УП-4947 «Стратегия действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года и Постановлением Президента Республики Узбекистан ПП-842 «О дополнительных мерах по усилению стимулирования увеличения поголовья скота в личных подсобных, дехканских и фермерских хозяйствах и расширению производства животноводческой продукции» от 21 апреля 2008 года, а также другими нормативно-правовыми документами, принятыми в данной сфере.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики:** Данное диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологий республики V. «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей среды».

